БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 249 (19.920). • 1987 йил 29 октябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ ОЛИШ—СЕНИНГ, МЕНИНГ, ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Азиз пахтакорлар, қимматли ҳашарчилар!

Об-ҳаво қийинчиликларига уюшқоқлик, зарбдор меҳнатни қарши қўйиб, терим суръатини оширайлик!

● ЕҒИБ ЎТГАН ҚОР-ЕМҒИРЛАР ТУФАЙЛИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ БИРОЗ МУДДАТ ИШЛОЛМАЙДИ. ҲАММА ЕРДА БОР ИШЧИ КУЧЛАРИ ТЕРИМГА ТЎЛА САФАРБАР ЭТИЛСИН!

● ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ДАЛАГА ЧИҚҚАН ҲАР БИР ҚИШИ АСТОЙДИЛ ҒАЙРАТ ҚИЛСА, ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ХИРМОНИМИЗ ТЕЗРОҚ ТИКЛАНИБ, ЮЗИМИЗ ЕРУҒ БЎЛАДИ.

● **Бутун куч — ҳосилни тез ва соз териб олишга!**

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
Хоразм	0,65	77,38	0,72	36,68
Бухоро	0,68	74,97	0,47	61,35
Сурхондарё	0,02	73,47	—	81,96
Тошкент	0,06	69,24	0,01	60,91
ҚҚАССР	0,84	65,62	0,69	57,37
Жиззах	0,01	64,52	—	57,15
Сирдарё	0,01	62,89	—	68,03
Фарғона	0,01	62,36	—	29,48
Наманган	0,05	54,20	0,01	38,26
Қашқадарё	0,09	51,94	0,05	47,32
Андижон	0,02	49,66	—	19,33
Навоий	0,32	46,38	0,27	37,63
Самарқанд	0,10	44,56	0,04	38,98
Республика бўйича:	0,20	61,44	0,15	49,45
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Навоий	1,81	110,86	1,66	47,66
Сурхондарё	0,02	89,54	0,01	116,46
Наманган	—	58,24	—	—
Қашқадарё	0,07	57,49	0,04	74,00
Бухоро	0,48	28,74	0,97	11,87
Республика бўйича:	0,10	77,15	0,08	97,55

● Ўтган куни республикамиз пахта далаларидан 11303 тонна «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан бери тайёрланган пахта 3514194 тоннадан ошди.

● Бир кунда «зангори кема»лар бункеридан 4730 тонна, мавсум бошидан бери эса 1582361 тонна дурдона тўкилди.

● Табиий қийинчиликларга қарамай, йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бораётган, ғанимат дамлардан самарали фойдаланаётган Қорақалпоғистон автоном республикаси, Бухоро, Хоразм областларининг пахтакорлари суръатнинг юқори бўлишини таъминламоқдалар.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИДАН ЎРНАК ОЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙСОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси 28 октябрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 9 да учинчи мажлис очилди.

«Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисидаги Қонуни республика колхоз ва совхозларида қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси депутат **И. Ҳ. Жўрабеков** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **Ҳ. Жумаева** (180-Улфатбиби сайлов округи), **У. Бегматов** (424-Олтиариқ сайлов округи), **Т. Мирсолиев** (79-Пушкин сайлов округи), **В. А. Антонов** (396-Гулистон сайлов округи), ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари **Ш. Иброҳимов** қатнашдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги Қонуни республика колхоз ва совхозларида қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Л. Ш. Беккулбекованинг** докладини тинглаб, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилдилар.

Шу билан ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1988 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олиб тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қуйидаги асосий кўрсаткичлари белгилансин:

	(1987 йил планига нисбатан ўсиш процент ҳисобида)
ҳосил қилинган миллий даромад	4,8
аҳоли жон бошига реал даромадлар	1,5
ижтимоий истеъмол фондлари	4,7
республика қарамоғидаги хўжалик бўйича меҳнат унумдорлиги:	
саноатда	2,0
қурилишда	2,7
давлат корхоналари (бирлашмалари) ва ташкилотларининг хўжалик фаолиятидан келадиган фойда, республика қарамоғидаги хўжалик бўйича	4,7
давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти (алкоголли ичимликлар сотиш бу ҳисобга кирмайди)	2,0
аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми	14,9
пул билан таъминлашнинг ҳамма манбаларидан халқ хўжалигига сарф-ланадиган капитал маблағлар	6,0

КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган кучли социал сиёсатни амалга ошира бориб, халқнинг турмуш даражасини кўтариш соҳасидаги тадбирлар марказлашган тартибда рўёбга чиқарилиши таъминлансин:

соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириш давом эттирилсин;

маданият тармоқлари ходимларининг янги мансаб окладлари ва ставкаларини жорий этишга киритилсин;

беморларнинг овқатланишига, соғлиқни сақлаш муассасаларига дори-дармонлар ва юмшоқ инвентарь сотиб олишга маблағ сарфлаш нормалари оширилсин;

уч ёшгача бўлган болаларнинг, бронхиал астма билан касалланган кишиларнинг амбулатория шароитларида даволаниши учун дори-дармонларни бепул бериш, шунингдек, ишда жароҳатланиши, касб касаллиги ёки умумий касалланиши туфайли I ва II группа инвалидларга дори-дармонларни 50 процент нархига имтиёзли бериш жорий этилсин;

болалар уйлари ва мактаб-интернатларнинг ҳамма типлари учун хўжалик инвентари сотиб олиш ва маданий-оммавий ишларга маблағ сарфлаш нормалари оширилсин.

Хўжалик юритишнинг янги шароитлари вужудга келтираётган имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида корхоналар ишлаб топаётган маблағлар ҳисобидан халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг тариф ставкалари ва мансаб окладлари янада оширилсин.

Уй-жой проблемасини ҳал қилиш, совет кишиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, умумий таълим ва маданий даражасини ошириш, маънавий эҳтиёжларини қондириш учун маблағ ва ресурслар биринчи навбатда ажратилиши таъминлансин.

Социал соҳанинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида 1988 йилда пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан умумий саҳни 7356 минг квадрат метр уй-жойлар, 93,1 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 198 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 5175 ўринли касалхоналар, бир сменада 11680 кишини қабул қиладиган амбулатория-профилактика муассасалари ишга туширилсин.

3-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари йўл-йўриқларига, июнь Пленумида тасдиқланган экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг асосий қоидаларига, Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси қарорларига ва СССРнинг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги Қонунига амал қилиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат планини рўёбга чиқариш жараёнида партиянинг иқтисодий стратегиясини оғишмай амалга оширсинлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ва самарадорлиги ошишини, экономикани бошқаришнинг биринчи навбатда тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларига, меҳнат коллективлари фаолиятида демократик асосларнинг ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда социал тараққиётда юксак пировард натижаларга эришиш учун масъулиятини кучайтиришга асосланган яхлит, самарали ва пухта системаси босқичма-босқич изчиллик билан яратиб борилишини таъминласинлар.

СССРнинг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги Қонунини ижро этиш, корхоналарга бериб қўйилган ҳуқуқларга қатъий риоя қилиш устидан доимий контрол олиб борилсин. Жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантириш жараёнларини бошқаришда демократик асослар бутун чоралар билан мустаҳкамлансин. Барча меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан шахсий манфаатдорлигини рўёбга чиқариш учун реал шарт-шароитлар яратилсин, коллектив пудрат ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бошқа прогрессив формалари актив жорий қилинсин. Социалистик ким ўзарнинг янги формаси бўлган корхоналар иқтисодий мусобақаси ривожлантирилсин.

Меҳнат коллективларининг куч-ғайратлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан билан ишлаб чиқаришнинг қўшиб олиб борилишини таъминлаш, халқ хўжалигида жамиятни тараққий эттиришнинг ҳозирги талабларига жавоб берадиган техника ва технологияни жорий этиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилсин. Ресурсларни тежаш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, барча табиий ресурсларни бутун чоралар билан тежаш йўли актив амалга оширилсин.

4-модда. Халқ депутатлари Советлари КПСС XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг хўжалик юритишнинг янги шароитларида территориал бошқаришни қайта қуриш хусусидаги йўл-йўриқларига амал қилиб, территорияларни ривожлантиришга раҳбарлик қилиш самарадорлигини оширсинлар. Бериб қўйилган ҳуқуқлардан иқтисодий, социал ва табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини комплекс ҳал этиш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг барча резервларини ишга туширишга, уй-жойлар, социал-маданий объектлар қурилишини кенгайтириш ҳамда аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб халқ истеъмол қиладиган саноат ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ўзларига қарашли территорияларда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш учун кенг фойдаланишларини, Меҳнатнинг кооператив формалари ва гражданларнинг индивидуал меҳнат фаолияти ривожланишига бутун чоралар билан ёрдам берилсин.

5-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари ҳулосасида баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар киритган таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1987 йил 27 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1987 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1987 йилги Давлат планининг бажарилиши юзасидан зарур тадбирлар кўраётганлиги қайд этиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари киритган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1987 йил 27 октябрь.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция раҳбарлари қўшма баёнотига жавоби

Олти давлат раҳбарларининг ташаббуслари Совет Иттифоқида ҳамиша зўр эътибор билан кутиб олинмоқда. Биз ана шу раҳбарлар ўзлари вакил бўлган барча бешта қитъадаги кўпчилик мамлакатларнинг муддаоларини ифода этадилар, деб ҳисоблаймиз. «Олтилар группаси»нинг 1987 йил 7 октябрдаги қўшма баёнотини ҳам биз худди шундай деб биламиз, бу баёнотда икки туркумдаги ракеталарни батамом тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида принципиал аҳдлашувга эришиш натижасида юзага келган омилдан фойдаланиб, қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланишнинг барча йўналишларида яна ҳам кенгроқ миқёсдаги чора-тадбирлар сари ҳаракат қилиб боришни давом эттиришга даъват этилган.

Биз «Икки карра ялпи нуль» варианти тўғрисидаги аҳдлашув жуда катта тарихий аҳамиятга молик бўлсада, у стратегик ҳужум қурол-аслаҳаларини ярмига камайтириш, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, ядро қуроли синовларини тўхтатиш каби туб қарорлар йўлидаги фақат биринчи амалий қадам деб билиниши лозим, деб ҳам ҳисоблаймиз. Бизга келганда шуни айтиш керакки, мазкур барча проблемаларни тезроқ ҳал этиш учун бизда сиёсий ирода борлигини неча марталаб амалий ишларимиз билан тасдиқлаган эдик.

Ядросиз ва зўравонликсиз дунёни вужудга келтириш сари ҳозир бошланган ҳаракатни сақлаб қолиш учун шу мақсадга эришиш йўлидаги куч-ғайратларни интернационаллаштириш, бу йўлдаги амалий ишларга иложи борича кўпроқ давлатларни, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқали жалб этиш зарур. Биз жаҳон сиёсати ривожида шундай маррага келиб қолдикки, бунда уруш хавфини бартараф этиш проблемаларига янгича ёндашувларни шакллантириш, жаҳонда кенг қамровли хавфсизлик системасининг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам биносини барпо эта бошлаш учун очилган истиқболларни рўёбга чиқариш ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши бўлиб қолмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу муҳим ишда «Олтилар группаси» тобора катта роль ўйнамоқда, шу группанинг планетамиз учун тинч келажакни таъминлаш манфаатлари йўлидаги изчил куч-ғайратлари ҳозирдаёқ уни бутун дунёда ҳурматга сазовор қилди.

Қуролсизланиш соҳасидаги битимлар устидан контроллик қилиш, аввало, ядро қуроли синовларини тақиқлаш проблемаларига «Олтилар группаси»нинг объектив равишда манфаатдорлик билан ёндашуви ҳамиша бизнинг эътиборимизни жалб этиб келди. Ҳозир ядро синовларини чеклаш ва тўхтатиш хусусида АҚШ билан кенг миқёсли музокаралар олиб борилиши арафасида совет олимлари шу хусусдаги бўлажак аҳдномаларга риоя этилиши устидан ишончли контролликни таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Бизнинг билишимизча, бу проблемани «Олтилик»даги мамлакатларнинг мутахассислари ҳам ўрганмоқдалар. Бу йўлда олимларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштириш учун бизга ҳеч нарса ҳалақит бермайди. Ишончимиз комилки, бундай амалий ҳамкорлик, контрол соҳасида қўшма эксперименталарни ўтказиш ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиб, уни самарали текшириб туриш мақсадига эришишни яқинлаштира олган бўлур эди. Совет олимлари шундай ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Совет Иттифоқи ҳам олти давлат ташаббуси қатнашчилари билан хоҳ қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг конкрет масалалари юзасидан ечимларни топишда ёки Шарқ ва Ғарбдаги, Шимол ва Жанубдаги давлатларнинг барча учун ва халқаро муносабатларнинг ҳамма соҳаларида хавфсизликни таъминлаш борасидаги амалий ҳаракатларнинг кенг қамровли программасини биргаликда ишлаб чиқиш соҳасида яна ҳам кенгроқ кўламдаги проблемалар юзасидан амалий ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Пировардида, олти раҳбарларнинг ғояси қуролсизланиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида куч-ғайрат сарфлашни давом эттираётганликлари учун уларга яна бир марта миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Э. А. Шеварднадзенинг АҚШга қиладиган визити ҳақида

Ўзаро келишувга мувофиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг мактубини АҚШ президенти Р. Рейганга топшириш учун, шунингдек Совет — Америка муносабатларининг энг муҳим масалалари хусусида АҚШ президенти ва давлат секретари билан музокараларни давом эттириш учун 30—31 октябрь кунлари амалий визит билан Вашингтонга боради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг тақдимномасини кўриб чиқиб, 1987 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилдилар:

В. И. Попов (раҳбар), **Ф. Р. Бенш, А. Д. Гончар, В. Ю. Запрометов, И. В. Плешченко, А. С. Теленков, В. И. Троцкий** ўртоқларга—«Ўрта Осиё формацияларининг биоритмостратиграфияси ва улардаги чўкинди конларни прогноз қилиш методикаси» ишлари туркуми учун;

Ш. И. Иброҳмов (раҳбар), **Е. Г. Гаврилов, А. А. Творогова, Н. Х. Холмуротов, А. Э. Авлиёқулов, М. Т. Тожиев, В. М. Истомин, В. Ж. Жўраев** ўртоқларга—ингичка толали пахтанинг интенсив «Термиз—14» нави сорт агротехникасини ишлаб чиққанлик учун.

(ЎзТАГ).

● *Матбуот маркази учун суҳбат*

АЙНИ МАРДИ МАЙДОН ЧОҒИ

Ҳаво бузилди. Синоптикларнинг хабарларига кўра, унинг яхшиланишига умид боғлаб бўлмайди. Тошкент областида ёмғир-қор ёғмоқда. Терим суръатлари кескин тушиб кетди. Тошкент область партия комитетининг секретари С. Д. САЙДАЛИЕВ ЎзТАГ мухбири Т. ДОҒЖИ билан қилган суҳбати да шундай мураккаб шароитларда терим қандай ташкил этилаётганлиги тўғрисида, очиғини айтганда, етиштирилган пахта ҳосилини қутқариб қолиш тўғрисида гапириб берди.

— Далада пахта бор. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, етиштирилган ҳосил планнинг бажарилишига кифоя қилади. Лекин ҳавонинг бузилганлиги вазифани мушкуллаштириб юборди, албатта. Масалан, якшанба куни баъзи районларда терим машиналари бир соатбир ярим соат ишлай олди, холос. Ёмғир ёғиб турганида механизаторлар техника ремонти ва профилактикаси билан шуғулланиб, ҳаво очиқ бўлдиган ҳар бир паллани пойлаб, бехалақит терим бошлашга шай бўлиб турдилар. Душанба куни машиналар далага чиқа олмади. Шундай қилиб, йиғим-теримнинг бутун оғирлиги теримчилар зиммасига тушди.

Ҳозир қишлоқда кўп нарса район партия комитетларининг секретарларидан тортиб бригадаларгача — ҳамма бўғинларнинг раҳбарларига, уларнинг ишни қанчалик ташкил эта билишлари, одамларнинг кайфияти ва руҳини кўтариш маҳоратларига боғлиқ бўлиб турибди. Одамлар айни шундай оғир дамларда синалади.

Мавжуд қуритиш-тозалаш цехларининг ҳаммасидан самарали фойдаланиш керак. Ким Пен Хва номидаги колхозда яхши ташаббус кўрсатишди, бу ерда пахта заводлари яроқсизга чиқарган машина-ускуналардан фойдаланиб ўз қуритиш-тозалаш цехларини қуриб олишди. Димитров номли колхоз билан «Оққўрғон» совхозида ҳам шундай цехлар очилди.

Ноябрнинг дастлабки кунларидан бошлаб, кўрак тередиган машиналар далага чиқади, Хўжаликлар бу машиналарга катта умид боғламоқдалар. Бугунги кунда областда 810 та шундай машина бор.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаммасини қўшимча сафарбар этиб, теримчилар сонини 220—230 минг кишига етказишга азму қарор қилинди. Ўшанда биз ҳар куни давлат хирмонига планнинг камида 1 процента миқдорида пахта топшириб тура оламиз. Бунда одамларнинг жуда оғир шароитларда ишлашларига тўғри келишини доимо эсда тутиш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, яна битта муҳим проблемага тўхталиб ўтмоқчиман: шаҳарликларни бир кунлик-ка пахтага олиб чиқиш учун қанчадан-қанча бензин сарфлаб, автобусларни бекорга ҳайдашнинг нафи бормикан?

Дарҳақиқат, бир кунга пахтага чиқадиган кишиларнинг кўпи ниҳоятда унумсиз ишлайди. Бунда корхоналар ва муассасаларнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёрдам бергани келдими, виждонан ишлаши кераклигини ҳар бир кишига яхшилаб тушунтириши керак.

Пахта даласига чиққан кишиларнинг ҳаммаси чидам билан ишлаб, марди майдонлик қиладиган пайт келди. Бинобарин, даладаги ҳар бир киши бугун ҳосилнинг тақдири айни менга боғлиқ, деган гапни дилига тугиб олиши керак.

(ЎзТАГ).

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Бугунги сессиямизнинг кун тартиби одатдагидек, аммо маълум даражада сессиямиз одатдагидек эмас, бу ерда сўзланаётган нутқларда у ўзининг алоҳида руҳи билан ажралиб турганлиги сезилмоқда. Нутқларда жонкуярлик, ишга амалий руҳда ёндашиш кайфияти кўпроқ сезилмоқда. Бу кайфият мамлакатимиз бошидан кечираётган алоҳида давр билан белгиланади.

Улуғ Октябрнинг етмиш йиллиги байрамига саноқли кунлар қолди. Бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари бу катта байрамни фидокорона меҳнат билан кутиб олмоқдалар, яхлит халқ хўжалик комплексига кўпроқ ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Мамлакатда жамият турмушининг барча соҳалари чуқур қайта қурилмоқда. Хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини халқ хўжалигига жорий этиш, маъмуриятчилик ва текисчиликни тугатиш учун анчагина иш қилинди. Энг муҳими шуки, экономикани бошқаришга тобора кўпроқ киши қўшилмоқда. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети саккизинчи сессиясининг ишини халқимиз зўр эътибор билан кузатиб турганлигининг сабаби ҳам мана шу. Сессия арафасида эса КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш вазифалари кўриб чиқилганлиги сизларга маълум.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги ва баъзи жорий вазифалар билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилди, у амалий ишчанлик вазиятида ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг муфассал доклади Пленум қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди, докладда турмушнинг барча соҳаларида вужудга келган вазиятлар холисона ва атрофлича таҳлил этилди. Пленум партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари ҳужжатларида ифодалаб берилган қайта қуришнинг мунтазам концепцияси аниқ мақсадни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилмоқда, деган хулоса чиқарди.

Аввало экономиканинг ҳал қилувчи барча соҳаларида жадаллаштириш стратегияси амалий равишда таъминланаётганлиги халқнинг энг муҳим ҳаётий манфаатларига, кучли социал сиёсатни амалга ошириш тўғрисидаги йўл-йўриққа мувофиқ эканлиги Пленумда уқтириб ўтилди. Модомики шундай экан, мамлакатимиз тарихининг ҳозирги — бурилиш босқичида ҳал этилаётган вазифаларнинг муваффақияти аввало халққа боғлиқ.

Шу билан бирга, Марказий Комитетнинг Пленумида ва Олий Советнинг сессиясида ҳозирги пайтнинг мураккаблиги уқтириб ўтилди. Бу мураккаблик шундан иборатки, хўжалик юритишнинг янги усуллари маъмурий усуллар билан бирга яшамоқда. Бошқача қилиб айтганда, янгилик билан эскиликнинг кураши давом этмоқда. Шу сабабли, коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори халқ хўжалигининг узлуксиз ривожланишини қучайтиришда, унинг барча тармоқлари пухта ишлашини таъминлашда юбилей йили ва беш йилликнинг келгуси учинчи йили планларини бажариш алоҳида аҳамиятга эга эканлигига қаратилган.

Асосий вазифа экономикани янги марраларга чиқаришдан иборат. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг келгуси йилга мўлжалланган Давлат плани шу — мақсадни кўзлайди. У КПСС XXVII съезди-нинг стратегик йўлига, Марказий Комитет шундан кейинги Пленумларининг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришга оид кўрсатмаларига мос бўлиб тушади. План беш йиллик топшириқлари ва меҳнат коллективларининг таклифлари асосида тузилган бўлиб, экономикадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Уни муваффақиятли равишда амалга ошириш халқ хўжалигини жадал ривожлантириш тенденциясига барқарорлик характерини бахш этади.

Ҳозирги вақтда экономика қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичида турибди. Муваффақият кўп жиҳатдан министрликлар ва идоралар, корхоналар, меҳнат коллективлари хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлашга, «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритишга қандай тайёргарлик кўришларига, барча поғоналардаги бошқарувнинг ташкилий структураларини тубдан қайта қуришга, бошқарув аппаратини анчагина соддалаштириш ва қисқартиришга боғлиқ бўлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми, Олий Совет сессияси, партия Марказий Комитетидаги кенгашнинг ҳужжатлари экономикани интенсив ривожланиш йўлига қатъият билан ўтказиш, унинг чуқур резервларини сафарбар этиш тўғрисидаги, халқ бахт-саодати, унинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. План энди қонунга айланиб, ҳар бир кишининг зиммасига сабот билан дадил ҳаракат қилиш, уни амалга оширишга интилиш вазифасини юклайди. Биз бу йўл-йўриқларни республикадаги барча партия, совет, хўжалик органлари ва барча меҳнаткашлар ишига асос қилиб олишимиз керак. Аввало ҳаммамиз зўр ғайрат билан меҳнат қилишимиз, қолоқликни тугатишимиз, ижобий силжишларни мустаҳкамлашимиз, шу тариқа бу йил бутун халқ хўжалигининг барқарор ишлашига эришишимиз, уни узлуксиз ривожланиш режимига чиқариб олишимиз, ишда пасайиш ва планда белгиланган маромнинг бузилиш ҳолларига йўл қўймаслигимиз керак.

Хуллас, ўртоқлар гап 1988 йилни хўжасизликка, бетартибликка, ташаббуссизликка қарши қатъий ҳужум бошлашда жуда муҳим, бурилиш йилига айлантириш ҳақида бормоқда. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг келгуси йилги плани лойиҳасига айни шу позицияларда туриб бериндашмоқ зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида план лойиҳаси кўриб чиқилганлиги, бугунги муҳокама шуни кўрсатиб турибдики, умуман у партиянинг кейинги вақтларда қабул қилган қарорларига мувофиқ келади, унинг энг муҳим кўрсаткичлари ўн иккинчи беш йиллик топшириқларига мос ёки ундан ҳам ошиб кетади.

Саноат ишлаб чиқариши соҳасида машинасозлик комплексини илдамроқ ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш биринчи ўринга қўйилади. Келгуси йилдан бошлаб пахтачилик реал агротехника асосида ривожлантирилишини эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структурасини қайта кўриб чиқиш мўлжалланган.

Шундай қилиб план лойиҳасининг бир қанча жуда муҳим кўрсаткичлари республикани иқтисодий ва социал жиҳатдан янада жўшқин ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида, кўпгина депутатларнинг нутқларида айтилганидек, лойиҳада ҳамма вазифаларни ҳам ҳал этишга муваффақ бўлингани йўқ. Ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ўсиши беш йиллик топшириқларидан камроқ қилиб белгиланган, кўмир қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, электр энергия ҳосил қилиш, минерал ўғит тайёрлаш, саноат маҳсулотининг бошқа баъзи энг муҳим турларини ишлаб чиқариш озроқ ҳажмда белгиланди. Кўмир саноатида, рангли металлургияда, қишлоқ хўжалик машинасозлигида, енгил саноатда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш пастроқ даражада планлаштирилган. План лойиҳаси ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларни ўстириш, чакана товар оборотини ошириш, капитал маблағларни ўзлаштириш, асосий фондларни ишга тушириш ва бошқа баъзи кўрсаткичлар юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришни таъминламайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, умуман беш йиллик топшириқларини бажаришда муайян тиғизликни вужудга келтиради.

Республика Министрлар Совети, Госплани, министрликлари, идоралари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари қўшимча резервларни қидириб топиб, қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга ва беш йиллик план топшириқларини таъминлашга қаратилган узил-кесил чора-тадбирларни амалга оширишга зарур.

Республиканинг келгуси йилги бюджет лойиҳаси ҳақида бир неча оғиз сўз. Бюджет умуман план лойиҳасида кўзда тутилган харажатларни пул билан таъминлашини нотиқлар айтиб ўтишди. Шу билан бирга, планда Иттифоқ бюджетидан олинадиган маблағни 1987 йилга нисбатан 6 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Бу ҳол шундан далолат берадики, Молия министрлиги бошқа министрликлар ва идоралар билан биргаликда бюджетни тузиш пайтида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ички ресурслари ва имкониятларини тўлатўкис ҳисобга олишга муваффақ бўлолмаган.

Беш йиллик топшириқлари даражасига чиқиб олиш учун биз ҳаммамиз бутун кучни ишга солиб, зўр ғайрат билан ишлашимиз зарур бўлади. Мана шундай ғайрат-ҳаракатгина муваффақият келтиради. Анализ шуни кўрсатадики, экономикани, социал соҳани ривожлантиришда ҳали бир талай камчилик ва нуқсонлар бор, имкониятлардан эса республикада ҳамма ҳам дуруст фойдаланмаяпти.

Гарчи айрим ишларнинг аҳволи сиртдан қараганда бирмунча яхши бўлиб кўринса ҳам, умуман экономикамиздаги ҳолатни тиғиз деб баҳолаш мумкин. Масалан, саноатда тўққиз ойлик ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди, пландан ташқари қарийб 180 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини камайтириш планлари ошириб бажарилди.

Қишлоқ хўжалигида чорва ва парранда, сут харид қилиш тўққиз ойлик топшириқлари ошириб адо этилди. Қурувчилар мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, поликлиникаларни ишга тушириш планларини бажардилар.

Шу билан бирга халқ хўжалигини ривожлантиришдаги бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар соҳасида йўл қўйилган каттагина қолоқлик бартараф этилмаяпти, балки, аксинча, бундай қолоқлик ортиб бормоқда, бу эса бир қанча позицияларда секинлашув ва ҳатто тўхтаб қолиш хавфини реал қилиб қўймоқда. Экономиканинг ҳар бир тармоғида ва республиканинг социал соҳасида иш маромида узилишлар содир бўлиб турибди, давлат ва план интизомининг даражаси паст.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун белгиланган даражага эришилмади, яъни уни пландаги 4,9 процент ўрнига атиги 3,2 процент кўпайтиришга эришилди.

Бунинг сабаби шуки, кўпгина министрликлар ва идоралар ишлаш учун тегишли шароитларни муносиб даражада таъминламаяптилар, комплекс ривожланиш ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар, орқада қолаётган хўжаликлар, ташкилотлар, қурилишларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанлик қилмаяптилар. Баъзи раҳбарлар қайта қуриш планларни камайтириш ва уларга тузатиш киритишдан иборат бўлмай, балки, аввало, зўр ғайрат ва аҳиллик билан ишлашдан иборат эканлигини эсдан чиқариб қўймоқдалар. Хўш, биз бундан қандай хулоса чиқариб олишимиз керак?

Биринчидан, шартнома интизомига сўзсиз риоя этиш лозим. Ҳозир етишмовчиликни тўлдириш керак. Сентябрда қарздорлик яна 70 миллион сўмлик кўпайиб, йил бошидан буён 350 миллион сўмликка етди. Шартномавий мажбуриятларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш даражаси Андижон областида (ўртоқ Д. Ҳасанов) атиги 25 процент, Тошкент шаҳрида (ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов) ва Тошкент областида (ўртоқ П. Т. Абдурахмонов) 28 процент, Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳузуридаги Экология ва соғлиқни сақлаш комитетининг раиси Ф. Ҳ. Ҳасанова ва Ўзбекистон ССР Давлат ветеринария қўмитасининг раиси Ш. Ш. Ҳамроев ҳисобларига кўра, 30 миллион шартли банка мева-сабзавот маҳсулотларини четдан олиб келаётганлигимиз нормал ҳол эмас, албатта. 1990 йилга қадар кондитер маҳсулотлари ва консерваларни ташқаридан олиб келишдан бутунлай воз кечиш. 4—5 йил ичида қайта ишлаш ва озиқ-овқат тармоқларининг барча корхоналарини реконструкциялаш вазифаси қўйилди. Бу — партия, совет, хўжалик органларининг сира кечиктирмай ҳал этадигани вазифасидир.

Шу билан бир вақтда, ўртоқлар, биз йиғим-терим ишларини, айниқса, пахта далаларидаги йиғим-терим ишларини шошилинч тугаллашимиз керак. Бу соҳада ўта мураккаб аҳвол юз берди. Объектив қийинчиликлар билан бир қаторда тартибсизлик, бўшашувчилик, баъзи жойларда эса партия, совет органларининг сусткашлиги пайдо бўлди.

Пахта тайёрлаш плани бугунгача 61,2 процент бажарилди. Еки давлатга 3,5 миллион тонна пахта етказиб берилди. Бу эса ўтган йилдагидан 700 минг тонна камдир. Самарқанд, Навоий, Андижон, Қашқадарё, Наманган областлари, айниқса, орқада қолмоқда. Бу областларда йиллик планнинг 45—55 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Косонсой, Марҳамат районлари пахта тайёрлаш планини 25—26 процент, Қўрғонтепа районлари 28 процент, Усмон Юсупов, Навоий районлари 29 процент, Чуст, Оқдарё, Большевик, Иштихон районлари 33 процент, Қорақўлак районлари 37 процент, Фарғона, Риштон районлари 43 процент, Дўстлик, Оқолтин, Коммунистик, Ильич районлари 45 процент атрофида бажарди. Бундай қолоқликни изоҳлаш жуда қийин. 1800 бригада, 19 хўжалик планларни муваффақиятли бажариб, ошириб, мажбуриятларини ҳисобига пахта топшириётган шароитда ана шундай қолоқликка йўл қўйилмоқда. Хонқа районидаги «Победа», «Октябрь 40 йиллиги», Охунбобоев номли колхозларда, Ҳазорасп районидаги Ленин номли, Оқолтин районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги», Шўрчи районидаги Жданов номли совхозларда, Ховос районидаги «Ленинград» колхозида давлатга пахта топшириш плани 80—90 процент бажарилди. Хонқа области плани 96 процент, Шўрчи области 92 процент, Чиноз области 80 процент бажарди. Баъзилар планларини бажаряпти-ю, бошқалар нима учун нималарнидир кутмоқда, сабаб қидириш билан овора бўлмоқда, деган савол туғилади, албатта. Теримда ишни жадаллаштириш керак. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Шу икки кун ичида қалин қор тушди. Андижон областида икки кун ичидаги ёғингарчилик 110 миллиметрдан кўпроқни ташкил этди. Фарғона областида ва бошқа областларда қийин аҳвол юз берди.

Депутатлар диққат-эътиборини уй-жой муаммосига қаратмоқчиман. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда аҳолини уй-жой билан таъминлашни энг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири деб атади. Партия 2000 йилгача уй-жой муаммосини ҳал этиш режалари барбод қилинишига йўл қўймаслиги яна бир бор таъкидланди.

Биздаги баъзи рақамлар эса қуйидагича: ҳозир республикада 240 мингдан ортиқ оила уй-жой олиш учун навбатда турибди. Уларнинг эҳтиёжи жуда секинлик билан қондирилмоқда. Уй-жой қурилиши плани йилдан-йилга бажарилмай қолаётгани аҳволни янада қийинлаштирмоқда. Ҳозирча беш йиллигининг икки йили якунларига кўра, биз планни бажаришдан 400 минг квадрат метр ҳажмида орқада қоляпмиз. Жиззах областидагина 55 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилмаган. Бошқа бир қанча областлар ҳам уй-жой қуриш планларини бажармадилар. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида уйсозлик комбинатлари қониқарсиз ишлаётгани учун бизни танқид қилди. Шундан кейин нималар ўзгарди? Қурилиш министрлиги ҳали ҳам уйсозлик комбинатлари қувватининг 60 процентидан, Жиззах уйсозлик комбинати қувватининг 14 процентидан, Олмалиқ уйсозлик комбинати қувватининг 22 процентидан фойдаланмоқда.

Ҳозир биз уй-жой программасини ишлаб чиқишни тугаллаяпмиз, тез орада бу масалани фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашда кўриб чиқамиз, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг махсус сессияси шу масалага бағишланади. Келгуси йилдан бошлаб биз уй-жойлар қурилишини таҳминан 2,5—3 баравар кўпайтиришимиз лозим, ана шундагина партия қарорини бажаришни таъминлай оламиз. Бу қарорни бажариш учун бизда ҳамма имкониятлар: давлат капитал маблағлари, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари бор. Якка тартибдаги қурилиш бу ишдаги ҳали тилга олинмаган масалаларнинг биридир. Ҳозирча маҳаллий Советлар ҳам, агросаноат комитетлари ҳам бу масалалар билан шуғулланмаяптилар. Биз Оҳангарон район партия комитетининг мазкур масала хусусидаги ҳисоботини Бюрода муҳокама қилдик ва бу ишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтдик.

Республика Олий Совети, унинг Президиуми, Министрлар Совети, шунингдек, барча партия ташкилотлари бу масалаларни қаттиқ контрол остига олишлари керак.

Ўртоқлар! Мен муҳим масалалардан фақат битта — уй-жой муаммоси ҳақида гапирдим. Бошқа муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Уй-жойдан ташқари мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, клублар қуриш муаммолари турибди. Буларнинг ҳаммасини тез ҳал этиш, айни пайтда, аввало, маҳаллий Советлар қатъият кўрсатишлари ва контрол қилиб боришлари керак.

Мунтазам равишда барбод этилаётган товар оборотининг бажарилишига алоҳида тўхталмоқчиман. Омборхоналарда кундалик эҳтиёж буюмлари бўлишига қарамай, кўпинча магазинлардан бундай буюмларни топа олмайсиз.

Аҳолини товарлар билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрликни кўпгина ижроия комитетлари бир томонлама тушунмоқдалар: улар марказдаги партия ва совет органларига, планлаштирувчи органларга мунтазам мурожаат қилиб, қўшимча товар ресурслари ажратишни илтимос қилмоқдалар. Бухоро область ижроия комитетидан ташқари бирорта ҳам ижроком аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари билан мутаносиблаштирилган товар оборотининг плани лойиҳасини тақдим этмади. Бу ҳам етмагандек, кўпгина ижрокомлар товар оборотининг плани кўрсаткичларини камайтирилишини сўнгги пайтгача қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, бу билан областни олдиндан пул муомаласи бузилишига, касса плани бажарилмаслигига маҳкум қилиб қўйдилар.

Дарҳақиқат, бу йил республикада савдо-сотиқ ишлари мураккаб шароитда ривожланмоқда, товар оборотини ўстиришнинг планда белгиланган суръатлари товар ресурсларининг ўсиш суръатларидан ошиб кетмоқда. Бироқ тайёрга айёрлик кайфиятига барҳам бериш пайти келди. Халқ депутатлари Советлари аҳолини товарлар билан таъминлашнинг ички резервларини мунтазам равишда, синчиклаб қидириб топишлари лозим.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда давлат ҳаридлари плани ҳажмининг 30 проценти ҳисобида мева-сабзавот маҳсулотларини шартнома нархлари билан сотиш каби резервидан ҳам дуруст фойдаланилмаяпти. Кўпчилик область ижроия комитетлари, ҳатто, бу соҳада область агросаноат комитетлари учун товар оборотининг плани белгилаб ҳам бермаганлар.

Хуллас, Советларнинг қиладиган ишлари жуда кўп. Улар савдо корхоналари ишини пухта ўйлаб уюштиришлари, хизмат соҳасини кенгайтиришлари керак.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳамма жойда ва ҳамма ишда кадрларнинг юксак уюшқоқлиги, интизоми, масъулияти ва ташаббуси сезилиб турсин. Янги шароитда ишлашга ҳозирнинг ўзидаёқ тайёргарлик кўриш зарур. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун 1 январдан кучга киради. Республикада 800 та яқин саноат корхонаси ва бирлашмаси, давлат ва кооператив савдосининг, алоқа корхоналарининг ҳаммаси, Давлат агросаноат комитетининг айрим ташкилотлари хўжалик ҳисоби ва ўзинийўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида ишлайдиган бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси Госпландан, Госснабдан, барча иқтисодий ва тармоқ министрликлари ҳамда идораларидан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларидан ишни синчиклаб таҳлил этишни, мавжуд резерв ва имкониятларни моҳирлик билан сафарбар қилишни, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти устидан контролни кучайтиришни талаб этади.

Депутат ўртоқлар! Республика социал-иқтисодий тараққиётининг бугун сессияда тасдиқланадиган планини бажариш барча поғоналардаги Советлар, доимий комиссиялар фаолияти, совет кадрлари катта отряди, ҳар бир депутатнинг иш услуби ва методларини қайта қуришни жадаллаштириш билан боғлиқ эканлиги ҳаммамизга равшан. Жамиятни демократиялаш йўли сиёсий, иқтисодий, социал муносабатларнинг ҳамма соҳаларига кириб борди. Халқ ҳокимияти органларининг бу хусусдаги ташаббуси ва масъулияти ролини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Республикадаги барча Советларда 106 мингдан кўпроқ депутат бор. Мана шу катта кучнинг ҳаммаси актив ва ижодий ҳаракат қилиши керак, чунки Советлар ва уларнинг органлари ролини кучайтириш Советларнинг территорияларини комплекс ривожлантириш, ҳаёт ўртасига қўйётган социал ва иқтисодий вазифаларни тезроқ амалга ошириш учун резервлар ва имкониятларни доимий қидириб топишдан иборат.

Мана шу ишларнинг ҳаммасида Советларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Улар меҳнат коллективларининг, бирлашмаларнинг иши устидан контрол қилиш самарадорлигини оширишлари, демократиянинг кенгайтириш ва инсон омилини кучайтириш шароитида ўз иш услуби ва методларини сабот билан изчил қайта қуришлари зарур.

Советларнинг ишида янгича ёндашув элементлари бор. Хоразм областини олиб кўрайлик. Бу областнинг қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди, айни вақтда қурилаётган фабрикалар ва кенгайтирилаётган бошқа корхоналар учун малакали ишчилар етишмаяпти. Область Совети Чита области билан бевосита алоқа боғлади. Шундан кейин район ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликлар ҳамкорлик ҳақида шартнома тузадилар. Бу ҳамкорлик ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли асосга қурилди. Ёшлаб кишилар учун моддий ва маънавий рағбатлантириш омиллари системаси пухта ўйлаб қўйилди. Ҳозирги вақтда Хоразм меҳнаткашлари жуда бой хом ашё ресурсларига эга бўлган ўлка ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда фаол қатнашмоқдалар ва ўз навбатида бу регионда малакали ишчи ва мутахассислар тайёрлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бевосита савдо алоқалари ҳам ривожлантирилиб, баъзи товарларнинг камчиллиги тугатилмоқда: жанубга ёғоч жўнатилмоқда, Забайкальега эса мева-сабзавот ва консерва ортилган вагонлар юборилмоқда.

Бироқ барча маҳаллий Совет органлари ҳам шундай иш тутмоқдалар, деб бўлмайди. Қорақалпоғистон АССРда ўтган йили меҳнат ресурслари 14 минг кишига кўпайган бўлса, шундан атиги ярим минг киши ишлаб чиқаришга жалб этилди. Жиззах областида ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар 3,5 мингта камайди. Самарқанд Қашқадарё областларида 1986 йилда кўпайган меҳнат ресурсларининг ҳаммаси уй-рўзғор ишларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлиб қолди.

Мана шу ва бошқа фактлар маҳаллий Советларнинг кўпгина ходимлари ўз ишларини жуда секинлик билан қайта қураётганликларидан далолат беради. Мажлисбозлик, қоғозбозлик каби иллатлар ҳали барҳам топгани йўқ, ижроия комитетларнинг ходимлари жойларга, меҳнат коллективларига камдан-кам бормоқдалар. Ижроия комитетлар ҳали ҳам депутатларга дуруст таянмаяптилар, бу — катта камчиликдир. Депутатлар, айниқса, биринчи бор сайланган депутатлар амалий равишда ўқитиб-ўргатилмаяпти. Уларнинг кўплари депутатлар статуси билан таниш эмаслар, ўз ҳуқуқлари ва бурчларини билмайдилар.

Советларнинг ишида майда-чуйда ишлар бўлмайди, бу ерда ҳамма нарса муҳим: сайловчиларнинг наказлари ва депутатларнинг сўровлари, аҳолини қабул қилиш ва мунтазам ҳисоб бериб туриш, ташаббускор жамоат органларига раҳбарлик қилиш, депутатлар группалари ва постлари ишини кучайтириш, кенг активларни ўқитиш ва депутатлар кунларини ўтказиш шулар жумласига киради. Буни сизлар жуда яхши тушунасизлар, деб ўйлайман.

Ўз қарорларининг ижроси устидан контролликни яхшилаш зарурлигига депутатлар эътиборини яна бир бор қаратмоқчиман. Масалан, область ижроия комитетлари қурилиш ташкилотларининг ишини яхшилаш ҳақида қанчадан-қанча қарорлар қабул қилганлар. Шу ҳужжатларнинг ҳаммаси бир жойга тўпланса, жуда катта папкани тўлдирган бўлур эди. Раҳбарлар зиммасига чора кўриш вазифаси юклатилади, улар ҳам одатда ҳамма иш тузатилади, деб ўйлайдилар. Аммо деярли ҳеч нарса ўзгармайди. Бунинг сабаблари кўп, албатта, лекин қабул қилинган қарорлар ижроси устидан таъсирчан контролнинг йўқлиги энг асосий сабабдир.

Ҳозир биз топширилган иш учун кадрларга нисбатан талабчанликни оширишимиз, уларнинг ҳаракатларига, хулқ-атворларига, иш натижаларига холисона баҳо беришимиз керак. Жойлардаги ишларнинг аҳволини яхши билиш, вазиятнинг ўзгаришини ўз вақтида ҳисобга олиб иш тутиш, одамларнинг ишчанлик ҳамда маънавий-сиёсий фазилатларини холисона баҳолай билиш ва шунга мувофиқ равишда кадрларни жой-жойига қўйиш, меҳнат қилишни ҳоҳлайдиган ва биладиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, уларни бартараф этишга дадил киришадиган ва белгиланган режалар амалга оширилишига қатъият билан эришадиган кишиларнинг ўз ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратиб бериш керак.

Ўртоқлар! Катта шонли байрам — Улуғ Октябрь 70 йиллигига бир ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Ҳозир ишни йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплайдиган қилиб ташкил этиш, юбилей йили планлари ва мажбуриятларини бажариш, халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг 1988 йилдаги иши учун яхши замин яратиш барча партия, совет ва хўжалик кадрларининг энг асосий вазифасидир.

Ҳар бир корхона ва хўжаликда бир маромда меҳнат қилиш, истеъмолчиларнинг буюртмаларини аниқ бажариш, тежамкорлик билан, фойда кўрадиган тарзда ишлаш бизнинг Октябрга энг яхши меҳнат совғамиз бўлади. Бунинг учун янада кўпроқ талабчанлик, уюшқоқлик, ҳамма ишларда тартиб-интизом бўлиши керак.

Бугун республикамиз ҳаётидаги унутилмас сана — Ўзбекистон ССР ташкил этилган кундир. Шу куни биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, мамлакатимиз бутун халқига Ўзбекистон ягона халқ хўжалиги комплексига қўшадиган ҳиссасини муттасил кўпайтираверади, деб ваъда берамиз.

Республика Олий Советининг депутатлари қайта қуриш йўлидаги кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш учун бутун кучларини ва билимларини сарфлайдилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ «РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси депутат И. Х. ЖЎРАБЕКОВ доклади

Депутат ўртоқлар! КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари ҳозирги даврда агросаноат комплексини ривожлантириш вазифаларини белгилаб берар экан, унинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни янада чуқурроқ интенсивлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътиборни қаратди.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС XXVII съездига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида таъкидлаб ўтганидек, «Гап биринчи навбатда ерларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини барқарор олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида бормоқда». Бу кўрсатмалар жуда катта ер-сув ва меҳнат ресурслари потенциалига эга бўлган, мамлакат агросаноат комплексини ривожлантиришга катта ҳисса қўшишни таъминлаши лозим бўлган Ўзбекистонга ҳам кўп жиҳатдан тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда республикамизда 4 миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ер бор. Сўнгги икки беш йиллик ичидагина суғориладиган ерлар 0,9 миллион гектар ёки салкам 30 процент кўпайди. Юксак деҳқончилик маданияти негизидагина бу ерлардан юқори самара билан фойдаланишни таъминлаш мумкин. Юксак деҳқончилик маданияти табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини марказлаштириш ва ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш технологияси жараёнларини такомиллаштириш ва бошқа муаммолар билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади. Бу масалалар орасида ерларнинг унумдорлигини ошириш алоҳида ўрин тутади. Буни исботлаш учун баъзи маълумотларни айтиб ўтиш кифоядир.

Республикамизнинг суғориладиган умумий фондида бўлган салкам 600 минг гектар майдондаги ернинг мелиоратив ҳолати биринчи навбатда яхшиланиши керак, 400 минг гектар ер сув билан 75 процентдан камроқ таъминланган, бир қанча нозик хусусиятлари туфайли 150 минг гектардан ортиқ суғориладиган ердан жуда кам ҳосил олинади. 2,5 миллион гектардан кўпроқ майдонда турли даражада шамол эрозияси бўлиб туради. Сўнгги ўн йил ичида тупроқда чириндилар миқдори кўплиги билан ажралиб турган қадимдан суғориб келинган ерларнинг салмоғи 45 процентдан 36 процентга тушиб қолди.

Умуман республикада 2,3 миллион гектар ер ёки суғориладиган ерларнинг 57 проценти реконструкциялашга муҳтож.

Суғориладиган ерларнинг сифат ҳолатида юз берган мураккаб вазият бошқа сабабларга қўшилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига салбий таъсир қилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик давомида ҳайдаладиган ҳар юз гектар ернинг фонд билан таъминланиши 25 процент, ҳар бир ходимнинг энергия билан таъминланиши эса 11 процент кўпайди. Табиийки, бундай шароитда фонд самараси ўсишини кутиш лозим эди. Бироқ бундай бўлмади, бунинг устига суғориладиган ҳар гектар ернинг самараси пасайиб кетди. Зарар кўрувчи хўжаликлар сони кўпайди. 1986 йилда 424 совхоз ва 22 колхоз хўжалик йилини зарар билан якунлади. Пахта ҳосилдорлиги пасайди. Сўнгги уч йил ичида (1984—1986 йилларда) пахта ҳосилдорлиги гектарига 25 центнердан ҳам камроқни, Қашқадарё областида 16 центнер, Жиззах областида 19 центнер, Қорақалпоғистон АССРда 20 центнерни ташкил этди.

1986 йилда республикамизда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш 1985 йилга нисбатан 2 процент камайди. Айниқса, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Бухоро областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ишнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш зарурати катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифалар қаторига чиқиб олди.

Республикамизда пахта етиштириш янги ерларни ўзлаштириш ҳамда бошқа экинлар зарарига пахта майдонларини кенгайтириш ҳисобидан кўпайтириб келинди, яъни пахта етиштириш экстенсив йўл билан кўпайтирилди. Бундай аҳвол экин майдонлари структурасига салбий таъсир қилди, пахта майдонлари кескин кўпайиб кетди, айрим областларда пахтазорлар 80 процентга етди. Хўжаликларни маъмурий жиҳатдан жуда кўп марталаб қайта қуриш, уларнинг ҳажмини ва ишлаб чиқариш структураларини ўзгартириш жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Зарур талабчанлик ва принципиаллик йўқлиги оқибатида суғориладиган ерлардан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўйилди. Кўплаб қишлоқ хўжалик ташкилотларида ишларни кўнгилдагидек қилиб кўрсатиш учун бошқа экинларни камайтириш ҳисобига ғўза майдонларини ҳисобдан ташириш оммавий тус олди. Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлашга зарар етказиб, планга қўшимча экинлар одатда ирригация жиҳатидан яхши тайёрланмаган, суғориш учун сув билан таъминланмаган ерларга экилди. Бундай ерларда экиннинг кўп қисми нобud бўлиб, ортиқча унумсиз харажатларга олиб келди.

Минерал ўғитларни кўп сарфлаш ҳисобига ишни ўнглаб олишга интилиш тупроқ таркибидаги чириндиларнинг камайиб кетишига ва тупроқ структурасининг ёмонлашиб, ундаги химикатлар миқдори ортиб кетишига олиб келди.

Бундай шароитда алмашлаб экишни ўзлаштириш ишлари иккинчи даражали ишлар қаторига қўйилди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу соҳада баъзи силжишлар бўлди, аммо икки йиллик икки далали беда билан пахта-беда ҳамда пахта-маккажўхори (чопиқ қилинадиган экин) алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш энг асосий нуқсон бўлди.

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтмишдош экинларнинг пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш юзасидан олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари натижалари пахта-беда алмашлаб экишда монокультурага нисбатан пахта ҳосилдорлиги анча юқори бўлишини кўрсатди. Уч йиллик беда ҳайдалгандан кейин экилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги 1,6 баравар, иккинчи йили 1,7 баравар, учинчи йили 1,3 баравар, тўртинчи йили 1,1 баравар кўп бўлди, бундан кейинги уч йил ичида ҳосил қўшимчаси 6—9 процентни ташкил этди. Бедапоялар ҳайдалганидан кейин ўрнига экилган ерларда 1 центнер пахта етиштириш учун сув сарфи эскитдан ҳайдаб келинган ерлардагига нисбатан 1,5 баравар кам бўлади. Маҳсулот бирлиги олиш учун азот сарфи камаяди. Айни пайтда пахта — маккажўхори алмашлаб экишда пахта етиштириш чоғида ротация охирига борриб пахта ҳосилдорлиги 25 процент камайиб кетади, яъни тупроқнинг унумдорлиги имкониятлари кескин камаяди. Чунки, ғўза ҳам, маккажўхори ҳам ернинг кучини жуда сўриб олади.

Республикада кенг кўламда бедасиз алмашлаб экишни жорий этиш қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Республиканинг пахтакор хўжаликларида алмашлаб экиш майдонларининг 15 процентида ана шу схема жорий этилди, бунинг оқибатида республика ўн биринчи беш йилликда жуда камайтириб ҳисобланганда 1,9 миллион тонна пахтани кам олди, ем-хашакнинг ҳам тўйимлилиги камайди, ғўзанинг вилт билан зарарланиши кучайди ва 1983 йилдан 1985 йилгача вилтдан кўрилган зарар 450 минг тоннага етди.

Ерга истеъмолчилик билан муносабатда бўлиш, кўп харажат қилмай туриб ҳосил олишга уриниш оғир оқибатларга, ернинг ориқлаб кетишига олиб келди.

Юз берган вазият ҳисобга олиниб, республикамизда 1986 йили пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш йўлига ўтилди, тавсиялардан эса бедасиз алмашлаб экиш схемалари чиқариб юборилди.

Ҳамма жойда бедапоялар кенгайтирилди, республикада бедапоялар майдони 1984 йилдаги 10 процент ўрнига 14 процентни ташкил қилди.

Республикамиз пахтачилик хўжаликларида 1986 йилда 1 миллион 670 минг гектар майдонда алмашлаб экиш ўзлаштирилдики, бу эса 71 процентни ташкил этади. Шу жумладан, 1 миллион 100 минг гектар майдонда пахта-беда ва пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экиш ўзлаштирилди. Чортоқ, Нарпай, Пахтачи, Олтиариқ, Бувайда, Қува, Ленинград ва Китоб районларининг хўжаликлари алмашлаб экишга тўла ўтдилар.

Масалан, Нарпай районидаги «Ўзбекистон», Пахтачи районидаги Калинин номли, Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхозларда алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш туфайли пахтадан муттасил мўл ҳосил — гектаридан 30 центнердан 40 центнергача етказиб ҳосил олинмоқда, мустаҳкам озуқа базаси яратилди, сермаҳсул чорвачиликка эга бўлинди. Бу хўжаликларда ҳайдаладиган 100 гектар ер ҳисобига 450 центнер сут ва 100 центнергача гўшт етиштирилмоқда.

Шу билан бирга, бир қанча районларда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш ишларининг аҳволи қониқарсиз эканлигини айтиб ўтиш керак. Бунинг оқибатида Жиззах, Бухоро, Сирдарё ва Хоразм областларининг хўжаликлари суғориладиган ерлар самарасини камайтириб юбордилар, бедапоялар эса 1985 йилдаги даражада қолди. Бухоро областида ҳатто камайиб кетди.

Ана шундай шароитда алмашлаб экишни ўзлаштириш янги вазифа эмаслигини, бу вазифа олдинги йилларда ҳам қўйилганлигини совет ва қишлоқ хўжалик органлари эсда тутишлари керак. Бироқ республикада алмашлаб экишни жорий этишни амалда рўёбга чиқариш мутлақо янги шароитлар билан боғлиқ бўлиб, улар:

биринчидан, тупроқ таркибидаги чириндилар миқдори тобора камайиб кетиши жараёнини тўхтатишга имкон беради;

иккинчидан, кўп миқдорда минерал ўғит солмай туриб, суғориладиган ерлар самарадорлигини оширишга имкон беради, бу эса экологик вазиятни яхшилайди;

учинчидан, ем-хашак етиштириш масаласини амалда ҳал этишга ёрдам беради;

тўртинчидан, ҳар гектар ерда сув сарфини ўртача 600 куб метр камайтиришга имкон беради;

бешинчидан, ғўза вилтининг кенг тарқалишини тўхтатади, пахта толаси сифатини яхшилайди.

Бу ишларнинг аҳамиятини тўла тушуниб етиб, 1987 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экиларини жойлаштириш чоғида 1 миллион 400 минг гектар майдонда салкам 5,8 мингта пахта-беда ва пахта-беда-маккажўхори алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш режаштирилган эди. Бунда беда майдони 240 минг гектарга етиши лозим эди.

Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ шуни таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Жиззах, Сирдарё областларида беда алмашлаб экишни ўзлаштириш ишлари ҳали ҳам ўнглаб олингани йўқ. Бу регионларда беда алмашлаб экишни ўзлаштириш 38 процентдан ошмаяпти. Хўш, бу областларда алмашлаб экишни ўзлаштириш таъминланмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Буни фақат область агросаноат комитетлари, район агросаноат бирлашмалари, колхозлар ва совхозлар раҳбарлигининг масъулиятсизлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети етарли талабчанлик қилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Биз Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлащтириш тўғрисида»ги Қонунини бажармаганлиги учун бирорта ҳам раҳбарни жавобгарликка тортганимиз йўқ.

Ҳозирги вақтда республикамизда бу ишни муваффақиятли тўғказиш учун объектив шарт-шароит вужудга келди. Ўн иккинчи беш йилликда янги ерларни ўзлаштириш плани камайтирилди, бўшаб қолган капитал маблағлар биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва уларни реконструкциялашга сарфланади. КПСС Марказий Комитети республикада юз берган вазиятни ҳисобга олиб, пахта етиштириш планини 1988 йилга 490 минг тонна, 1989 йилга — 448 минг тонна ва 1990 йилга 456 минг тонна камайтирди. Бу эса алмашлаб экишга ўтиш, экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда озуқа базасини барпо этиш ва 1990 йилга бориб пахта-беда алмашлаб экишни 83 процент ўзлаштириш имконини беради. Бунинг учун биринчи навбатда мелиорация ишлари ўтказишни талаб қилувчи ерларда (бундай ерлар 600 минг гектарга яқин) 1:3:5 ёки 1:3:6 схемаси билан пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш зарур. Айни пайтда ҳар йили 65 минг гектаргача мелиорацияланган далаларни ажратиб бериш керак.

Шу билан бирга, пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштиришнинг мавжуд имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди, ҳозир бу имкониятлардан жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Республикадаги 60 та районда ерларни ўлчаш натижалари 1987 йилда пландан ортиқча 34 минг гектар ерда пахта етиштирилганини, айни пайтда 24 минг гектар ерга кўп йиллик ўтлар кам экилганлигини, олдинги йилларда экилган кўп йиллик ўтлар 3 минг гектар кам эканлигини кўрсатди. Асосан Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм областларида 23 минг гектар майдондаги экин ҳосилдан яшириб қолинган. Урганч, Гурлан, Ҳазорасп, Задарё ва бошқа районларда планга қўшимча ерларга чигит экилган. Бу областларда ирригация жиҳатидан тайёрланаётган 10 минг гектар ерга чигит экилишига йўл қўйилган. Бинобарин, ана шунча майдонда мелиорация ишлари бажарилмай қолмоқда. Ана шундай шароитда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, «Главсредазирсовхозстрой», ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, САНИИРИ, Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети экин экиш планларининг амалда бажарилиши устидан қаттиқ ва таъсирчан контрол ўрнатишлари керак.

Пахта — беда алмашлаб экиш самарадорлигини ошириш, пахта комплексидаги барча экинларни етиштириш агротехникасини яхшилаш, алмашлаб экиш системаси, ўғит ва маҳаллий ўғитлар оборотининг бир-бирига боғлаб олиб бориш ишларини кучайтириш керак. 1986 йилда 106 минг гектар ҳайдалган бедазорнинг 20 минг гектаридан пахта етиштириш учун фойдаланилмадики, бу фактни нормал ҳол деб бўлмайди. Бундай аҳвол Қашқадарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда юз берди.

Сўнгги йилларда бир қанча районларда бедага эътибор бўшаштириб юборилди. Беда етарли парвариш қилинмаётганлиги сабабли сийрак бўлиб қолмоқда, касалликлар ва зараркунандалар тарқалмоқда. Бунинг устига, бедага ўғит солинмаяпти, вақтида сув берилмаяпти. Бундан ташқари яхши тайёрланмаган пайкалларга беда экилмоқда. Бунинг оқибатида беда ҳосилдорлиги пасайибгина қолмай, унинг тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган самараси ҳам камайиб кетмоқда. 1986 йилда ҳар гектар бедапоядан 77 центнер беда пичани олинган бўлса, Жиззах областида атиги 33 центнер, Қашқадарёда 54, Қорақалпоғистон АССРда 70 центнер беда пичани олинди. Ҳолбуки, илғор хўжаликларнинг тажрибаси тўғри агротехника қўлланилса, ҳар гектар ердан камида 200 центнер беда пичани олиш мумкинлигидан далолат беради.

1987 йилда бедапояларга эътибор кучайтирилди. Республикамизда беда ҳосилдорлиги 125 процентга етди. Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз ҳар гектар ердан муттасил 210—215 центнер, Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхоз 185—190 центнер, Уйчи районидаги Свердлов номли колхоз 220 центнердан ошириб беда пичани олмоқда. Бу колхозларнинг тажрибаси мўл ҳосил олиш имкониятларини тасдиқламоқда. Шу билан бирга, арзимаган миқдорда ҳосил олаётган хўжаликлар ҳам бор. Масалан, Тўрткўл районидаги Қурбонов номли совхоз ҳар гектар ердан 26 центнер, Амударё районидаги М. Горький номли совхоз — 25 центнер, Зарбдор районидаги Партия XXV съезди номли совхоз — 52 центнер, Хатирчи районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози 35 центнердан беда пичани олмоқда, холос. Республикамизда бундай хўжаликлар анчагина топилади, бу қадар кам ҳосил етиштириб, зарардан бошқа нарса олмайдиган бўлсак, беда экишга нима ҳожат бор!

Агар беда бўлмаса сут ҳам, гўшт ҳам бўлмайди, мўл пахта ҳам бўлмайди, ерларимиз ҳам унумдор бўлмайди, буни эсда яхши тутиш зарур.

Бунда алмашлаб экишни кенг ўзлаштириш шароитида беда уруғчилигини ривожлантириш масалалари кўндаланг бўлмоқда.

Беда уруғи ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш юзасидан ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Алмашлаб экишни ўзлаштириш ишларини ўғитдан фойдаланиш системасини такомиллаштириш билан боғлаб олиб бориш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бизда мазкур масала юзасидан тавсияномалар кўп. Аммо улар ишлаб чиқаришга сусткашлик билан ва ҳатто қониқарсиз жорий этилмоқда. Минерал ўғитлар кўпинча тупроқ шароитларини ҳисобга олмай солинаверади. Азот, фосфор ва калийнинг тавсия этилаётган нисбатига риоя қилинмаётир.

Маҳаллий ўғит оборотининг кенг оммалаштирилгани йўқ. Органик ўғитлар, фосфорли ўғитлар етишмаётган пайтда ҳар бир даланинг шароитини ҳисобга олиш, гўнгни бутун территорияга оз-оздан сочиб чиқиш ўрнига уни мумкин қадар кўпроқ самара олинадиган ерларга белгиланган миқдорда солиш керак.

Пахта — беда алмашлаб экиш системасида минерал ва органик ўғитлар биргаликда ишлатилса, улардан энг кўп самара олиниши фан томонидан исботланган, амалий ишларда тасдиқланган.

Ғўза моноқультураси шароитида кўп йиллар давомида фақат минерал ўғитдан фойдаланиб, гектаридан 28—30 центнер атрофида пахта ҳосили олиниши таъминланаётган экан, органик-минерал ўғитлар аралашмаси солинганда ҳосилдорлик 3 центнер ортади.

Пахта — беда алмашлаб экишда тупроқ — иқлим шароитини ҳисобга олиб, белгиланган нормада минерал ўғитлар солинганда пахта ҳосилдорлиги 35 центнергача ошади. Бундан ташқари, алмашлаб экишда органик ўғитлар аралаштирилган солинган ҳар бир килограмм азот монокультура шароитидагига нисбатан кўпроқ самара беради.

Технологияни бузиш ҳосилдорликни ҳам, сифатни ҳам пасайтиради. Чунончи, 1972 йилда республикада ҳар гектар ерга 210 килограмм озиқ бўладиган модда солинганда гектаридан 28 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1986 йилда 233 килограмм (11 процент кўп) ўғит солиниб, гектаридан 24,3 центнер ҳосил олинди. 1986 йилда Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий областларида ва Қорақалпоғистон АССРда фосфор ва калий тавсия қилинган нормадан кам солинди. Бу эса пахта сифатига салбий таъсир қилди. Ялпи ҳосилнинг Қорақалпоғистон АССРда атиги 63 проценти, Хоразм областида эса атиги 67 проценти биринчи ва иккинчи сортларга топширилди.

Алмашлаб экишда азот, фосфор ва калий энг мақбул нисбатда олиниб, уларни гўнгга аралаштириб солиш ва илғор агротехника усулларини қўлланиш тупроқнинг унумдор қатламини қайта тиклашни кенгайтиришга, чириндиларнинг етарли балансини вужудга келтиришга имкон беради. Бу эса мўл ҳосил олиш шартидир.

Бедапоя ҳайдалгандан кейин тўртинчи йили далаларга гўнг солиш пахта ҳосилдорлигини йилига 7—8 центнер оширишга ёрдам беради.

Хоразм область Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз мисолида маҳаллий ўғитнинг аҳамиятини билиб олиш мумкин. Бу ерда 1990 йилгача гўнг оборотининг кенгайтирилиши ва ўзлаштирилиши лозим бўлган масалалар оз эмас. Алмашлаб экиш схемалари тупроқ-мелиоратив шароитларни, ҳар гектар ердан тўла фойдаланишни таъминлайдиган аралаш, такрорий ва ораliқ экинларни жорий этишни, интенсив технологияларни ишлаб чиқишни ҳисобга олган ҳолда унга аниқлик киритишга ва иқтисодий жиҳатдан қўшимча равишда асослаб беришга муҳтождир. Шу билан бирга интенсив технологиялар ишлаб чиқилиши керак. Ҳосилни етиштириш ва йиғиб-териб олишни механизациялашнинг, машиналар янги системасини яратишнинг жуда кўп масалалари ҳал этишни кутиб ётибди. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари — бригада ва оила пудрати ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги муносабати билан алмашлаб экиш далалари ва алмашлаб экиш массивлари катта-кичиклигига янгича талаблар қўйилмоқда.

Беда, ғўза ва бошқа экинлар уруғчилиги ишларини, истиқболли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини тубдан яхшилаш зарур. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими ва унинг жойлардаги органлари оралиқ ем-хашак экинларининг республикамизнинг турли зоналарига мослашган, совуқ ва чидамли ва серҳосил яғни навларини яратиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришлари, шунингдек, ана шу экинларни етиштириш юзасидан тавсияномаларни ишлаб чиқиб, уларни ишлаб чиқаришга фаол жорий этишлари лозим.

Фанимиз деҳқончилик ва ўсимликшунослик, химиялаш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, ерларни мелиорациялаш, чорвачилик, ем-хашак етиштириш ва ветеринария, маҳсулот етиштириш, уни сақлаш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва электрлаштириш, социал-иқтисодий тадқиқотлар ўтказиш ва бошқалар соҳасида жуда катта масалаларни ҳал этмоғи лозим.

Республикада 45 та базавий хўжалик белгиланган бўлиб, ерларни реконструкциялаш, суғориш ва захини қочиришнинг илғор усулларини жорий этиш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, интенсив технологияларни жорий қилиш ишларининг бутун комплекси биринчи навбатда ана шу хўжаликларда амалга оширилади.

Базавий хўжаликлар илғор тажриба мактаби бўлиши керак, лекин ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, САНИИРИ етарли иш олиб бормаяпти, область қишлоқ хўжалик органлари фаоллик кўрсатишмаяпти ва улар ҳали гапдан амалий ишга ўтишгани йўқ.

Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ва бу ерларни сақлашни контрол қилишда давлат ер тузилиши алоҳида роль ўйнайди. Республикамизда ер тузувчиларнинг катта коллективи меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, ер тузувчилар хизмати самарадорлиги ҳали пастлигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалик экинзорларини контрол ўлчаш жараёнида ҳар йили ер балансининг амалдаги аҳволга мос келмаслиги ҳақида жуда кўп фактлар аниқланмоқда, бу эса ерларни ҳисобга олишдаги камчиликлардан ва ердан фойдаланиш яхши контрол қилинмаётганлигидан далолат беради. Колхозлар ва совхозларни планли асосда ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш ҳамда кўнгилдагидек эмас. Қишлоқ хўжалик ва аэрофотогеодезик тадқиқотлар Бутуниттифоқ институтининг бўлинмалари бу ишни жуда секин ва сифатсиз олиб боришмоқда. Ҳолбуки, ўз вақтида тайёрланган план-картография материаллари бўлмаса, ерлар миқдор жиҳатидан аниқ ҳисобга олинмаса, ердан фойдаланишда тартиб ўрнатиш учун талаб қилинган натижага эришиб бўлмайди. Агроресурслар автоматлаштирилган ахборот-бошқарув системаси Тошкент филиали ҳам қониқарсиз ишламоқда.

Алмашлаб экиш жорий этилиши билан ер тузиш лойиҳа ҳужжатларининг состави ва мазмунини такомиллаштириш, ички хўжалик ер тузилиши лойиҳаларини ўзгартириш, интенсив технологияларни жорий этиш, тупроқ карталарини янгилаш, ерларнинг шўрланиш ҳолатини суратга олиш ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ишларини замонавий талаблар асосида кенг миқёсда олиб бориш керак. «Ўзгипрозем» институти ўз ишини жиддий қайта қуриши лозим. Мутахассислар амалий вазифаларни ҳал этишда қишлоқ хўжалик корхоналарига мунтазам ёрдам беришлари ва конкрет натижаларга эришишлари керак. Зотан айни шулар алмашлаб экиш лойиҳаларини рўёбга чиқаришлари, унинг ўзлаштирилишини қаттиқ назоратда бориши, экинларни тўғри жойлаштиришлари, экинларни алмаштириб туришни контрол қилишлари, ерларнинг талон-торож қилинишига, бош планга ҳилоф қурилишларга йўл қўймасликлари лозим.

Алмашлаб экишни ўзлаштиришни жадаллаштириш ишини пайсалга солиб бўлмайди. Шу муносабат билан колхозлар, совхозлар район агросаноат бирлашмаларининг, область агросаноат комитетларининг мутахассислари иштирокида қисқа муддат ичида бедапояларни инвентаризациядан ўтказишлари, беда ҳосилдорлигини ҳисобга олиб, беда қайта экиладиган майдонларни, ремонт қилинадиган пайкалларни ва чигит экиш учун ҳайдаладиган бедапояларни белгилаб чиқишлари керак. Ҳар бир хўжалик ва районда мелиорация ишларини амалга ошириш ҳажми ва муддатлари белгилаб чиқилмоғи лозим. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1988 йилги қўшма планида ана шу ишларнинг натижалари эътиборга олиниши зарур. Экин-тикин ишлари даврида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, «Ўзгипрозем» институти, САНИИРИ етакчи мутахассисларини алмашлаб экишни ўзлаштиришда амалий контрол қилиш ва ёрдам бериш учун хўжаликларга биркитиб қўйиш зарур.

Агросаноат комплексининг барча мутахассислари яқин йиллар ичида алмашлаб экишни ўзлаштиришни жадаллаштиришнинг масъулиятли вазифаларини ҳал қилишлари керак. Улар ўз меҳнатлари билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришни ва Озиқ-овқат программаси ҳал этилишини таъминлашлари лозим.

ОФАТ ВА МАТОНАТ

26 октябрь куни Фарғона области шаҳар ва қишлоқларида кучли жала ёғди. Кечаси эса жала қорга айланди. Ҳали япроқларини тўкиб улгурмаган дов-дарахтлар қалин қор юкини кўтаролмай синабошлади. Жала туфайли таги юмшаб қолган дарахтлар қулаб тушди. Шаҳарда троллейбус қатнови тўхтади. Чунки электр узатиш линиялари, алоқа тармоқлари узилиб кетган.

Бироқ табиий офат кишиларни эсанкиратиб қўйгани йўқ. 27 октябрь куни эрталаб деярли ҳамма жойда қалин ёққан қор оқибатларини бартараф этиш учун махсус штаблар тузилди. Электр узатиш, алоқа тармоқларини тиклаш, кўчаларни тозалаш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Шаҳар коммунал хўжалиги ходимларига юзлаб ишчилар, хизматчилар ёрдамга келдилар. Шаҳар аҳолиси топшириқни кутиб ўтирмасдан дов-дарахтлар, гулларни, ўсимликларни қордан тозалашга киришди. Йўл ҳаракати назорати ходимлари транспорт ҳаракатини тартибга келтириб турдилар.

Айни пайтда кутилмаганда ёққан қалин қор шаҳарда қишга тайёргарликнинг кўнгилдагидек эмаслигини ҳам кўрсатди. Масалан, Фрунзе массиви, механика заводи районида капитал ремонт ишларининг чўзилиб кетиши оқибатида турар жой биноларига иссиқлик бериш кечикди. Шаҳар раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқаришлари керак.

Қалин ёққан қор область қишлоқ хўжалиги ходимлари учун ҳам қўшимча ташвишлар туғдирди. Дастлабки маълумотларга кўра 3 минг гектардан ортиқ такрорий маккажўхори экини, 2 минг гектарга яқин лавлаги, ўн минг гектарлаб пахта майдонлари қор остида қолди. Кечки сабзавот, картошка, боғлар, кўчатлар, бошқа экинлар ҳам зарарланди. Ҳозирги пайтда — муҳими анжир, анор, узум каби совуққа чидамсиз кўчатларни сақлаб қолишдир.

Область қишлоқларидаги барча ишга яроқли аҳоли техника воситалари, йўллар, фермалар, боғларни қордан тозалашга сафарбар этилди. Меҳнаткашлар юксак интизом билан табиий офатга матонатни қарши қўйиб, курашмоқдалар.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Паррандабоқарлар зафари

Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» совхози паррандабоқарлари давлатга тухум сотиш йиллик планларини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 350 минг дона ўрнига 360 минг донадан зиёд тухум топширилди.

Хўжаликнинг Азамат Худойназаров мудирлик қилаётган паррандачилик фермаси коллективи ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб ишламоқда. Улар йил охиригача 50 минг дона тухум тайёрлашга аҳд қилишган.

М. КАРОМОВ.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ ДОКЛАДИ

Докладчи—Мандат комиссиясининг раиси депутат Т. Қ. ЖЎРАЕВА

Депутат ўртоқлар! Бешинчи сессиядан кейин ўтган вақт ичида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари составида ўзгаришлар юз берди. Айрим депутатлар ўз депутатлик ваколатларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжудлиги муносабати билан депутатлик ваколатларини зиммаларидан муддатидан олдин соқит қилиш тўғрисида шахсан ариза билан мурожаат қилдилар. Республика Олий Совети Президиуми аризаларни кўриб чиқиб, бу депутатларнинг илтимосларини қондирди ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида фармонлар қабул қилди.

Учта сайлов округида сайловчилар ўз депутатларини ишончни оқламаган кишилар сифатида чақириб олдилар. Чақириб олиш Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонунига тамомила мувофиқ ҳолда амалга оширилди.

1987 йил 30 август куни бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг сайлови ўтказилди. Бунинг учун Қонунда белгилаб қўйилган муддатларда округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди.

Округ сайлов комиссиялари жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари томонидан кўрсатилган қуйидаги ўртоқларни депутатликка номзодлар қилиб рўйхатга олдилар:

Тошкент область 95-Бордонкўл сайлов округи бўйича Ринад Александрович Попов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари;

Андижон область 133-Бўз сайлов округи бўйича Асрор Сатторов, Ўзбекистон Компартияси Бўз район комитетининг биринчи секретари;

Бухоро область 182-Сармижон сайлов округи бўйича Алишер Холмуродович Тошканбоев, Бухоро область ижрокомининг раиси;

Самарқанд область 342-Пахтакор сайлов округи бўйича Геннадий Михайлович Писулин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлимининг мудири;

Самарқанд область 343-Сочакиболо сайлов округи бўйича Емельян Иванович Рибяк, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари;

Сурхондарё область 361-Термиз қишлоқ сайлов округи бўйича Шукур Зоидович Қамолхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири;

Фарғона область 423-Файзиобод сайлов округи бўйича Иброҳимжон Искандаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг раиси;

Фарғона область 435-Рапқон сайлов округи бўйича Александр Викторович Козирь, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг иккинчи секретари;

Хоразм область 466-Қарамон сайлов округи бўйича Леонид Иванович Нетяга, Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг иккинчи секретари;

Хоразм область 473-Хива сайлов округи бўйича Мутал Ҳошимович Холмуҳамедов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари;

Қорақалпоғистон АССР 501-Сарабий сайлов округи бўйича Рисбой Ҳайдарович Жўраев, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси;

Қорақалпоғистон АССР 507-Чимбой шаҳар сайлов округи бўйича Александр Сергеевич Малолетов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари.

Округ сайлов комиссияларининг берган маълумотларига қараганда, мазкур округларда сайловлар уюшқоқлик билан ўтди. Уларда сайловчиларнинг 99 процентдан зиёдроғи қатнашган. Депутатликка номзодларни ёқлаб тегишли сайлов округларидаги жами сайловчиларнинг 99 процентдан кўпроғи овоз берган.

Мандат комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни, депутатликка номзодларнинг тегишли сайлов округларида овозга қўйилишига розилик билдириб берган аризаларини, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов натижалари тўғрисидаги протоколларни текшириб чиқиб, ҳар бир сайлов округида депутат сайлови Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ равишда ўтган деб топди. Сайловларни ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳақида мандат комиссиясига ариза ва шикоятлар тушмади.

Мандат комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги қарор лойиҳасини киритади:

«Мандат комиссиясининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясининг 102-моддасига мувофиқ **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган қуйидаги депутатлар:

Тошкент область 95-Бордонкўл сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Ринад Александрович Попов;

Андижон область 133-Бўз сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Асрор Сатторов;

Бухоро область 182-Сармижон сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Алишер Холмуродович Тошканбоев;

Самарқанд область 342-Пахтакор сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Геннадий Михайлович Писулин;

Самарқанд область 343-Сочакиболо сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Емельян Иванович Рибяк;

Сурхондарё область 361-Термиз қишлоқ сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Шукур Зоидович Камолхўжаев;

Фарғона область 423-Файзиобод сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Иброҳимжон Искандаров;

Фарғона область 435-Рапқон сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Александр Викторович Козирь;

Хоразм область 466-Қарамон сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Леонид Иванович Нетяга;

Хоразм область 473-Хива сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Мутал Ҳошимович Холмуҳамедов;

Қорақалпоғистон АССР 501-Сарабий сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Рисбой Ҳайдарович Жўраев;

Қорақалпоғистон АССР 507-Чимбой шаҳар сайлов округидан 1987 йил 30 августда сайланган Александр Сергеевич Малолетов ваколатлари тўғри деб топилсин».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Докладчи—План-бюджет комиссиясининг раиси депутат Ш. ҲОЖИМУРОТОВ

Депутат ўртоқлар! План-бюджет комиссияси бошқа комиссиялар билан биргаликда республика ҳукумати тақдим этган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги давлат плани ва давлат бюджетини кўриб чиқди, шу йилги план топшириқларининг бажарилишини ва 1986 йилги давлат бюджети ижросини таҳлил этди.

Комиссиялар 1988 йилги план умуман партия XXVII съездининг программавий йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь Пленумлари қарорларига, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг қоидаларига мос, деб таъкидлайдилар. Бу план иқтисодий ва социал ривожланишни жадаллаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, принципиал жиҳатдан янги структурада тақдим этилган. Унинг асосий бўғини давлат буюртмаси бўлиб қолди. Бу буюртма халқ хўжалик манфаатларини меҳнат коллективларининг манфаатлари билан уйғунлаштириш асосида давлатнинг корхоналар билан иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлашнг таъминлашга қаратилган.

Кўпгина муҳим кўрсаткичлар бўйича план лойиҳасида кўзда тутилган ривожланиш суръатлари республика экономикаси беш йиллик топшириқларида кўзда тутилган маррага эришувини, бир қанчалари бўйича эса бу маррадан ҳам ўзиб кетишни таъминлайди. Мавжуд тадбирларгина эмас, балки бу йил ялпи ижтимоий маҳсулотни ва миллий даромадни ўстиришда бир мунча суръатларга эришилганлиги, интенсив омиллар роли кучайганлиги ҳам планнинг реаллигига замин яратади.

План ва бюджет лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида комиссиялар эътибори халқ хўжалиги тармоқларида мавжуд бўлган қўшимча резервлар ҳамда имкониятларни кидириб топишга қаратилди. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида қайта қуриш сust ўтаётганлиги, чўқур жараёнларга унинг таъсири бориб етганича йўқлиги таъкидлаб ўтилди.

Хўжалик юритишнинг янги методлари етарлича интенсивлик билан ўзлаштирилмаяпти, бу методлар республика экономикасини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги силжишларга эришишга ҳали тегишлича таъсир этмаяпти. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий омиллари ва воситалари тўла куч билан ишга туширилганича йўқ. Хўжалик юритишда янги методларни қўлланиш баъзан план-иқтисодий, молиявий-кредит, инженер-техникавий ва ташкилий ишлар даражасини ошириш билан мустаҳкамлаб борилмаяпти. Бунда Госплан (ўртоқ Искандаров), Молия министрлиги (ўртоқ Маматисаев), Давлат банки (ўртоқ Ёқубов) ҳамда бошқа иқтисодий министрликлар ва идоралар талай даражада айб-дордирлар.

Саноатдаги ишларда муайян силжишларга қарамай, унинг ўсиш суръатлари жадаллаштириш вазифаларига жавоб бермайди. Деярли ҳар уч корхонадан бири шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планини бажармаяпти, маҳсулот сифати даражаси паст.

Депутатлар вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан ҳали ҳам асло етарлича фойдаланилмаётганлигига жиддий эътибор бердилар. Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги, Электрон-техника саноати министрликлари корхоналарида қувватларни иш билан етарлича банд этмаслик оқибатидагина 9 ой мобайнида 1020 та трактор, 4035 та сеялка, 1275 та пахта териш машинаси, 1310 та холодильник, 100 мингта электродвигатель кам ишлаб чиқарилди.

Азот ва фосфор ўғитлари ишлаб чиқаришдаги, бинокорлик материаллари саноатидаги қувватлардан фойдаланишда аҳвол яхшиланмаяпти.

Республикадаги бир қанча саноат корхоналарида қиймат-баҳо серунум ускуналардан жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Сарф-харажатларга қарши механизм сust жорий этилмоқда. Хўжалик раҳбарларининг иш юритишида ўзгариш секин юз бермоқда, улар ҳамон ҳар қанақа йўл билан планни бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги (ўртоқ Юнусов) Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (ўртоқ Боймиров) корхоналарида металл прокати ва цементга бўлган эҳтиёж ўсиб боришининг 30 процентигина уларни тежаш ҳисобидан қондирилмоқда. Ҳолбуки умуман республика бўйича бу кўрсаткич анча юқоридир.

Корхоналар билан ташкилотларнинг молиявий аҳволини жиддий яхшилаш талаб этилмоқда. Умуман республикада 300 саноат корхонаси, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилоти, 446 колхоз ва совхоз зарар келтириб ишламоқда, уларнинг кўрган зарари 300 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу йил 14 министрлик ва идоранинг ўз оборот маблағидаги етишмовчилик 106 миллион сўмга борди. Банк ссудалари бўйича ҳам, маҳсулот етказиб берувчиларнинг счетлари бўйича ҳам муддати ўтиб кетган қарздорликнинг ошиб боришидек нохуш тенденция юзага келди. Шу йилнинг 1 июлига қадар дебитор қарздорлик 2,8 миллиард сўмни, кредитор қарздорлик эса 3,7 миллиард сўмни ташкил этди. Енгил саноат министрлигида, Давлат агросаноат комитетида, «Главсредазирсовхозстрой»да банк ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисобкитоб қилиш жуда қийин бўлиб қолди.

Хўжалик юритишнинг янгича шароитларига ўтган корхоналарнинг иши хусусида қаттиқ ташвиш билдирилди. Уларнинг анчагина қисми ҳанузгача даромад, ишлаб чиқаришни ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш планларини уддалай олмаяптилар. Бошқарувнинг ташкилий структураларини қайта қуриш тадбирлари етарлича асослаб берилмаган. Келгуси йили 800 корхона тўла хўжалик ҳисобига ўтажаги муносабати билан республика Госплани, министрликлар ва идоралар бу борадаги ишларни кучайтиришлари, ҳар бир алоҳида корхонанинг ишини яхши билиб, уларга таъсирчан амалий ёрдам беришлари керак.

Ҳар бир корхона ва хўжалик экономикасини соғломлаштириш учун министрликлар билан идоралар кечиктирмай конкрет тадбирлар белгилаб олиб уларни амалга оширишлари лозим.

Коллективларнинг янги шароитдаги фаолияти учун пухта молиявий базани вужудга келтириш зарур.

Доимий комиссияларнинг таклиф ва мулоҳазаларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига жиддий эътибор берилди.

Бир қанча тармоқларда фан ва техникани ривожлантириш планлари муттасил бажарилмай келяпти, жорий этиш ҳажмлари ҳар йили камайтирилади. Аниқ мақсадли комплекс ва илмий-техника программаларидаги ҳар икки топшириқнинг бири барбод этиляпти. Бу иш Давлат агросаноат комитети, (раиси ўринбосари ўртоқ Антонов), Қурилиш министрлиги (ўртоқ Мананников), «Главташкентстрой» (ўртоқ Дудин), Автомобиль транспорти министрлиги (ўртоқ Азимбеков), Бинокорлик материаллари саноати министрлиги (ўртоқ Исаев), системасида айниқса қониқарсиз олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқаришларни техника билан қайта жиҳозлаш секин боряпти, уларни янгилаш суръатлари паст, маънавий ва физик жиҳатдан эскириб қолган ускуналарнинг улуши ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бу масалага машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарида шу жумладан «Средазкабель» (ўртоқ Маҳкамов) ишлаб чиқариш бирлашмасида, Тошкент экскаватор заводида (ўртоқ Сумбулов) ва бошқа корхоналарда жуда қониқарсиз ёндашмоқдалар.

Депутатлар хўжалик юритишнинг янги шароитида фан билан ишлаб чиқариш муносабати тубдан ўзгармоқда, деб таъкидладилар. Шунга қарамай, бу масалаларда сифат ўзгаришлари ҳам кўринмаяпти. Фундаментал, амалий тадқиқотлар билан конструкторлик ишланмалари ўртасидаги ўзаро боғланиш, уларни амалий вазифаларни ҳал этишга қаратиш ҳамон етарли эмас. Фанлар академияси ҳам ўз фаолиятида туб бурилишни таъминламади. Бутунлай янги конструкциялар, машина ва ускуналар барпо этиш масалалари қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Янги пахта териш машиналари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари яратиш билан шуғулланувчи республика тармоқлараро илмий-техника марказлари ва бошқалар ҳозирча кутилган натижа бермаётганлиги комиссияларни ташвишлантирмоқда. Шундай машиналарнинг энг ноёб модификацияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун салмоқли таклифлар тайёрлашга чинакамига киришиш ва уларни жадаллаштириш зарур.

Министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, областлар ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Госплани, Республика Фанлар академияси фан ва техника ютуқларини жорий этиш, янги ечимлар ишлаб чиқиш, тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни ниҳоят кучайтиришлари лозим.

План ва бюджетни олдиндан кўриб чиқиш чоғида туғилган долзарб масалалардан бири озиқ-овқат проблемасини ҳал этишнинг самарали йўллари ва методларини излаш бўлди. Энг муҳими, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза этиш бўлиб, бу нарса улар самарасини ошириш имконини беради. Эскидан сугориб келинган ерларнинг каттагина қисми илгари йўл қўйилган хатолар туфайли қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолганлиги ва қайта маданийлаштиришни талаб этаётганлиги сир эмас.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бутун структурасини тубдан қайта қуришга жиддий эътибор бериш зарур. Иттифоқ органларининг пахта таёрлаш планини ўн иккинчи беш йиллик топшириқларидагига нисбатан камайтириш хусусидаги қарорлари муносабати билан бу нарса янада муҳим аҳамият касб этади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг озиқ-овқат тармоқларида қўшимча маҳсулот олиш ҳисобигагина техника экинлари етиштиришнинг камайиши ўрнини батамом тўлдириш мумкин.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифадир. Шу боис Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё областларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда сабзавот харид қилишни, Фарғона водийси хўжаликларида мева ва резаворлар, Самарқанд ва Тошкент областларида эса узум харид қилишни камайтиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Республика Давлат агросаноат комитети давлат харид плани ҳажмининг 30 проценти ҳисобидан шартнома асосидаги баҳолар билан аҳолига мева-сабзавот маҳсулотлари реализация қилиш юзасидан ўзига берилган ҳуқуқдан етарлича фойдаланмаяпти. Давлат хариди жами ҳажмидан у шартнома асосидаги нархларда сабзавотларнинг фақат 2,2 процентини, меваларнинг 2,4 процентини ва полиз маҳсулотларининг 3,3 процентини реализация қилди, холос.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ташиш ва сақлашда нобудгарчиликларни кескин қисқартириш озиқ-овқат маҳсулотларини қўшимча кўпайтиришнинг муҳим резервига айланиши керак. Худди шу сабабли комиссияларда ана шундай нобудгарчиликларни келтириб чиқарувчи асосий сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор қилинди. Бу биринчи навбатда агросаноат комплексининг аграр базаси билан унинг қайта ишловчи тармоқлари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этишдир. Маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш қувватларини жадал ривожлантириш зарур. Ҳозирча қайта ишлаш тармоқларининг техникавий даражаси пастлиги, қувватлар етишмаслиги оқибатида катта нобудгарчилик рўй беряпти. Баъзан етиштирилган ҳосилнинг учдан бир қисмидан ҳам кўпроғи нобуд бўлаётир.

Ҳатто шу мақсадга ажратилган капитал маблағлар ҳам жуда қониқарсиз ўзлаштирилмоқда. Жумладан, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида капитал маблағ ўзлаштириш 50 процентга ҳам бормади. гўшт-сут тармоғида эса йиллик топшириқнинг 40 процентдан ҳам оз қисми ўзлаштирилди.

Аҳолидан маҳсулот харид қилиш ишини кескин яхшилаш, бунда унга керакли товарларни сотиш ҳамда шартнома асосида иш олиб боришни кенгроқ қўлланиш лозим.

Комиссиялар қурилиш министрликлари ва идоралари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари шаҳнига жиддий мулоҳазалар билдирдилар, негаки улар қурилишда хўжалик юритиш механизминнинг янги принципларидан тўлиқ фойдаланмаяптилар, қурилишнинг норматив муддатларини таъминламаяптилар. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида план бўйича ишга туширилиши лозим бўлган алоҳида муҳим 136 объектдан фақат 73 таси фойдаланишга топширилди.

Республикада уй-жойларни, мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга туширишни топшириқлари бажарилмаётганлигига асло тоқат қилиб бўлмайди. Туғруқхоналарда, болалар шифохоналари ва юқумли касалликлар касалхоналарида ўринлар ниҳоятда тақчил эканига қарамай, соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш жуда қониқарсиз олиб борилмоқда. Келаси йилдан бошлаб уй-жой ва социал-маданий қурилишда тугалланган объектларнинг давлат қабулини жорий этишга киришилади. Бу ҳол қурилиш сифатини ошириш учун шароит яратиб беради. Айни чоғда Госстрой, Қурилиш министрликлари саноатда давлат қабулини жорий этиш чоғида йўл қўйилган нуқсонлар, салбий оқибатлардан тегишли хулоса чиқариб, объектларни ишга туширишни топшириқларини бажариш уларнинг сифати пастлиги оқибатида барбод бўлишига йўл қўймасликлари зарур.

Депутатлар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш проблемаларига ҳам эътиборни қаратдилар. Бу проблемалар республикамиз шароитида жуда муҳим аҳамият касб этади. Лекин бир қанча министрлик ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг аниқ мақсадли программасида кўзда тутилган топшириқлар тўла бажарилишини таъминламаётирлар. Натижада меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши суръатлари уларнинг иш билан банд бўлиш даражаси ўсишидан илгарилаб кетмоқда.

Товарлар ва хизматларни таклиф қилиш билан уларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги номувофиқлик тобора ортиб бораётганлиги шунга олиб келдики, шу йилнинг ўтган даври мобайнида жамғармалар ва заёмларнинг абсолют ўсиши 420 миллион сўмдан ошди, савдодан тушадиган пул эса ўтган йилга нисбатан 150 миллион сўм камайди.

Юзага келган ана шундай вазиятда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, оближрокомлар, Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳамон илгаригидек чакана товар обороти планларини камайтириш йўлидан бормоқдалар, пулли хизматлар реализация қилиш планини, ўз корхоналарида тақчил халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган зарур чораларни кўрмаётирлар.

Аҳолининг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг тўртдан уч қисмигина ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобига қопланмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати пастлиги ва ассортименти чекланганлиги харидорларда ҳақли равишда эътироз уйғотмоқда. Ассортиментни янгилаш юзасидан ўтказилаётган ишлар эса кўпинча юзаки тус олмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам қолоқлик бартараф этилмаган. Ҳозир бизда аҳоли жон бошига мамлакат бўйича кўрсатилаётганига нисбатан икки баравар кам хизмат кўрсатилмоқда, шу жумладан транспорт ва алоқада бу кўрсаткич деярли уч баравар кам. Ана шундай шароитда корхона ва ташкилотлар, министрлик ва идоралар раҳбарларининг кўпчилиги пулли хизматнинг социал аҳамиятини ҳанузгача тушуниб етмадилар. Бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари пулли хизмат кўрсатишга жалб этилмаган. Маиший хизмат кўрсатиш, Уй-жой-коммунал хўжалиги, Туризм ва экскурсия бўйича республика совети ташкилотлари хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасидаги ишларни яхши мувофиқлаштириб бормаяпти.

Республикада кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳисобига бозорларни товарлар билан тўлдириш ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Маҳаллий Советларнинг кўпгина ижроия комитетлари ўзларининг бу борадаги ишларини патентлар ва гувоҳномалар бериш билангина чеклаб қўяётирлар. Меҳнатнинг ана шу хилдаги формаларини ташкил этишда Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Хоразм областларида айниқса қониқарсиз аҳвол юзага келди. Кооперативлар сонини, хусусан халқ учун товарлар ишлаб чиқариш, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативлар сонини кўпайтириш юзасидан ташкилотчилик ишларини кучайтириш зарур.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари областлар ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари ҳозирнинг ўзидаёқ 1988 йилги давлат буюртмаларидан ташқари халқ истеъмол товарларини қўшимча ишлаб чиқариш ва қўшимча хизматлар кўрсатиш ишларини кучайтириб юборишлари керак.

Комиссияларда таъкидланганидек, планлардаги социал йўналишнинг кучайганлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини чуқур ва жиддий қараб чиқишни, салбий оқибатлар олдини олиш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган туб асосли тадбирлар ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда. Республикада сув сифати ва атмосфера ҳавоси жуда ёмонлашган регионлар бор, бу эса кишилар саломатлигига ҳам, уларнинг меҳнат шароитига ҳам таъсир этмоқда. Олимларнинг маълумотларига қараганда, Тошкент областидаги барча беморларнинг 24,8 проценти сув ифлосланганлиги важидан шифохонага ётқизилган.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги мавжуд аҳвол ҳали кўп иш қилиш кераклигини, ишлаб чиқариш ва социал ҳаётнинг ҳамма соҳаларида нақадар муҳим резервлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатди.

Иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш кўп жиҳатдан халқ депутатлари Советларининг қўйилган вазифалар бутун комплексини ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ошириш билан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги давлат плани лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Планга киритилган тузатишлар ва бошқа аниқликларни инобатга олган ҳолда комиссиялар давлат бюджети фондларини 10 миллион сўм қўпайтиришни таклиф этадилар. Бу пуллар социал-маданий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу жумладан шаҳарлар ва район марказларини ободонлаштиришга 3,6 миллион сўм, соғлиқни сақлаш объектларининг капитал ремонтига 2,4 миллион сўм, қишлоқлардаги мактабларни ремонт қилишга 2,4 миллион сўм, маданий-маърифий муассасаларга 1,1 миллион сўм, инвалидлар интернат-уйлари учун ускуналар сотиб олиш ҳамда уларни ремонт қилишга 300 минг сўм сарфланиши керак.

Таклиф этилаётган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССРнинг 1988 йилги давлат бюджетини даромадлар ва харажатлар бўйича 9 миллиард 64 миллион 960 минг сўм ҳажмида тасдиқлаш таклиф этилади.

Доимий комиссиялар 1986 йилги Ўзбекистон ССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар ва уни ҳукумат тақдим этган суммада тасдиқлаш ҳақидаги таклифни киритдилар.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

29 октябрь, пайшанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — Ҳужжатли фильм. 11.40 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Қайта қуриш прожектори. 16.50 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 17.00 — В. И. Ленининг Кремлдаги кабинети ва квартираси музейига телеэкскурсия. 17.30 — Шаҳар тароназси. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Агар соғлом бўлай десанг .19.45 — Мультфильм. 19.55 — «Улар биринчилардан эдилар». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.30 — Футбол. Олимпия турнирининг саралаш матчи. Швейцария — СССР терма командалари. 01.00 — Шахмат. Жаҳон чемпионати.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05— Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильмлар. 11.35 — Биология. 12.05 — Рус санъати. 13.05 — «Генерал Шубников корпуси». Бадиий фильм. 15.00 — Қирғизистон телевидениесининг программаси. 15.45 ва 18.35 — Янгиликлар. 18.40 — Қишлоқ янгиликлари. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Теннис. Халқаро турнир. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Бокс. Жаҳон кубоги. Ярим финал. 23.30 — Янгиликлар. 23.35 — Концерт.

УзТВ-I 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тароналар 7.30 — Ахборот. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Ўқитувчи экрани. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.00 — КПСС Марказий Комитети июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.50 — Ҳ. Худойбердиева. «Садоқат». Адабий композиция. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30— Время. 22.05 — Революция тенгдошлари. 22.25 — Тошкент — Душанба телекўприги. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.30 — Сифат — бош мезон. 20.00 — Цирк программаси. 20.40 — Реклама. 20.50 — Кескин танқид остида. 21.30 — Время. 22.25— Душанба — Тошкент телекўприги.

Радио

Биринчи программа. 8.30 — Меҳнат шарофати. 9.30 — Улуг Октябрнинг 70 йиллигига. 9.45 — Комсомол туғилган кунга. 12.10 — Ишчинома. 12.40 — Ифтихорим менинг, қувончим менинг. Радиокомпозиция. 13.00 — Малши. 13.30 — Г. Минасян иштирокида концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40— Комсомоллар—тинчин билмас қалблар. 18.15— Юность. 19.20 — Юность Ўзбекистана. 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.30 — Пахтакорлар учун концерт.

Р. — 11080. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 249. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12